

Yurt taraqqiyoti yoʻlida birlashaylik!

Ishonch

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

МИЛЛИЙ
КОНТЕНТ

ҚАНДАЙ
БЎЛИШИ КЕРАК?

Меҳнат ва
ижтимоий
муносабатлар
академиясида
талабалар
билан бўлиб
ўтган
мулоқотда
шу мавзуда
сўз юритилди

ПАРАДОКС

Жиноятчиликка
қарши кураш кескин
равишда кучаяётган бир
пайтда жиноятлар
сони тобора ортмоқда

3-саҳифада ўқинг...

... Ватан танангдаги жондир, қондир бу,
Ватанни севмоқлик имтиҳондир бу.

Абдулла ОРИПОВ

Ватан. Бу сўзнинг ўзи одамни тўлқинлантиради. Уни тилга олар эканмиз, кўзимизга ёш келади. Аслида ҳам бу номни йиғламасдан айтишимиз мумкин эмас. Ватан учун яшаш ҳам-мамизнинг олий мақсадимиз. Керак бўлса жонни фидо қилиш, ютуқларга эришиб, умримиз, салоҳиятимизни баҳшида этиб, бормизни фидо этиш – бурчимиз.

Бугун дунёда катта урушлар кетяпти. Қолаверса, ахборот хуружлари авж олган. Бундай пайтда албатта миллий ўзлик ва миллий ғурур туйғуларини кучайтириш бош мақсадга айланади. Юртбошимиз илгари сурган «Миллий контент» масаласи шу боисдан бугун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академиясида ўтказилган маънавий тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳомийлигида нашр этилган «Миллатпарвар» китоби ва «Vatan» журналининг тақдими ҳам

бўлиб ўтди. Иштирокчиларнинг фикр-мулоҳазаларига бой бўлган тақдиротда мазкур нашрлар миллий медиа контент-мизда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга муносиб хизмат қилиши таъкидланди.

Тадбирда Федерация марказий аппарати ходимлари, Академия ректор ва профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалар иштирок этди.

«Vatan» журнали Бош муҳаррири Хусан Эрматов китоб ва журналнинг мазмун-моҳияти, яратилиши, саҳифалардан ўрин олган долзарб ва юракка яқин мақолалар хусусида гапириб берди. Миллий контент, унга эришиш йўллари, ОАВнинг одамлар дарду ташвишлари ва тақлифларига кенг ўрин бериладиган майдонга айланиши борасидаги саволларга батафсил жавоблар берилди.

Тадбир давомида 5-9 март кунлари «Универсал жанг» бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Академиянинг 2-босқич талабаси Нозигул Чориева раҳбарият томонидан муносиб тақдирланди. Ҳар бир йигит-қиз Ватан ривожига ўз салоҳияти билан ҳисса қўшиши лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Гулрухбегим ОДАШБОВЕВА,
Эъзоза УМУРЗОКОВА (фото)
«ISHONCH» мухбирлари

Суҳбат

Жавлон ЖОВЛИЕВ:
АДАБИЁТ
ДЕҲҚОНЧИЛИК ЭМАС

4-саҳифада ўқинг...

www.ishonch.uz

ishonch1991@yandex.uz

<https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi>

<https://t.me/ishonchgaz>

САВОДСИЗЛИКМИ ЁКИ МАЙНАВОЗЧИЛИК?

Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги қачонгача ОАВга масъулиятсиз муносабатда бўлади?

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 27 февраль сониди Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилоят кенгаши меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси Орифжон Мизомовнинг Иқтисодиёт ва молия вазирлигига «Қонун талаби қачон бажарилади?» номли саволи чоп этилган эди. Унда «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасида ташкилотларда ходимлар сони элликиши ва ундан ортиқ бўлганда, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга бўлган мутахассис лавозими жорий этилиши шарт эканлиги, аммо ҳужалик ҳисобда фаолият юритувчи ташкилотлар у ёқда турсин, бюджетдан молиялаштирилаётган ташкилотларда ҳам бу штат жорий этилмагани, хусусан, Самарқанд вилоятидаги таълим даргоҳларида ўртача 50-90 нафаргача ўқитувчи фаолият кўрсатиб келаётгани, уларнинг меҳнاتини муҳофаза қилиш масаласи эса жамоатчилик асосидаги назоратчиға юклатилгани айтилган. «Ваҳоланки, бу даргоҳларда қонунда белгиланган тартибда ойлик олиб ишлайдиган мутахассис лавозими жорий этилиши лозим. Аммо неча йилки, молия

муассасалари томонидан турли баҳоналар рўқач қилиниб, штат белгиланиши ортга сурилиб келинмоқда. «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талаби қачон бажарилади?», дейилади саволда.

Ушбу саволга Иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари А.Хайдаровдан қуйидагича жавоб олди:

«Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва унинг қўйи тизим ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси талабларига асосан, ходимлар ва иш берувчининг меҳнатга оид муносабатлари ва улар билан бевосита боғлиқ ижтимоий муносабатларни жамоа шартномаси асосида юритиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига асосан, ташкилотнинг меҳнатни муҳофаза қилиш хизматлари ишлаб чиқариш фаолиятини амалга оширувчи, ходимларининг сони элликиши ва ундан ортиқ бўлган ҳар бир ташкилотда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этилишини таъминлаш, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш мақсадида ташкил қилиниши белгиланган.

Ушбу қонуннинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг қўйи тизим ташкилотларида «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 12-моддасига асосан, молия муассасаларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга мутахассис лавозими жорий этиш масаласини ҳал қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ».

ТАХРИРИЯТДАН: Ушбу жавобдан бирон нарса тушунонғизми, ҳурматли муштарий? Ахир газетдада чоп этилган саволда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда унинг қўйи тизим ташкилотларида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тегишли тайёргарликка эга мутахассис лавозимини жорий этиш масаласи умуман кўтарилмаган. «...неча йилки, молия муассасалари томонидан турли баҳоналар рўқач қилиниб, штат белгиланиши ортга сурилб келинмоқда», дейилади саволда. Мана масала қаерда. Аммо вазирликда арава ни қуруқ отқоқчи бўйича тренинглар ўтказиб турилади, чоғи. Вазирлик мутасаддиси «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи ҳисобланади» дея «Америка очмоқчи» бўлади ўз жавобиди. Ваҳоланки, ушбу қонунда махсус ваколатли давлат органи аниқ-тиниқ белгилаб қўйилган ва бунчи савол бераётган ватандошимиз ҳам яхши билади. Аммо бюджетет ташкилотларининг штатлар жадвалини, ҳаражатлар сметасини ким рўйхатдан ўтказди? Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигими? Бу ваколат Иқтисодиёт ва молия вазирлиги зиммасида эмасми?

Шундай экан, ҳурматли вазир ўринбосари, сиздан қонундан қўчирмани эмас, нима учун молия муассасалари штатлар жадвали белгиланишини ортга суриб келаётгани ҳақидаги саволга жавоб қутиб қоламиз.

Агар Иқтисодиёт ва Молия вазирлиги шунчалар савод борасида муаммоларга эга экан, унда доддинени кимга айтишни ҳам билмай қоларкансан, киши.



«Ishonch» газетасининг 2024 йил 1 февралдаги 16-сонида «Радарлар «қопқон» вазифасини бажармоқдами?» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унда Фарғона вилоятидаги айрим йўлларда радар борлигидан огоҳлантирувчи белги ўрнатилган бўлса-да, Қўқондан то Фарғонагача бўлган масофада радар белгиси ўрнатилган биророрта жойда юқори тезлик чегараси кўрсатилмагани танқид остига олинган эди. Яқинда тахририятга Фарғона вилояти ИИБ ЙҲХБ бошлиғи, полковник А. Аҳмедов имзоси билан қуйидаги муносабат битилган мактуб келди:

«Фарғона вилояти ИИБ ЙҲХБ шуни маълум қиладики, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 12 апрелдаги 172-қарори билан тасдиқланган «Йўл ҳаракати қоидалари»га кўра, 5.43. «Радар» йўл белгиси йўлларда автомобиль ҳайдовчилари белгиланган тезликка риоя этиши радарлар ёрдамида назорат қилинаётганлигини билдирувчи йўл белгиси бўлиб, белгиланган ҳаракатланиш тезлиги стационар махсус техника воситалари ёрдамида назоратга олинган жойларга ўрнатилиши кўрсатилган. Шунингдек, вилоят, туман, шаҳарлар бошланадиган жойлардаги кўча ва йўлларда ҳаракатланиш тезлиги мобил радарлар ёрдамида назорат қилинаётганлиги тўғрисида ҳайдовчиларни огоҳлантириш мақсадида ўрнатилиши мумкинлиги белгиланган.

Амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 78-бандига кўра, аҳоли пунктларида транспорт воситаларининг тезлигини соатига 70 километрдан оширмасдан ҳаракатланишга рухсат этилган бўлиб, автомобиль йўлларида ҳайдовчиларни аҳоли пунктлари бошланиши ҳақида огоҳлантириш учун 5.22. «Аҳоли пунктнинг бошланиши» йўл белгиси ўрнатилади. Бу эса ушбу ҳудудга 3.24. «Юқори тезлик чекланган» йўл белгисини ўрнатиш зарур эмаслигини билдиради.

Бошқарма бошлиғи, полковник
А.Б.АҲМЕДОВ».



ТАХРИРИЯТДАН: Қизик! Бошқарма бошлигининг жавобидан келиб чиқадиган бўлсақ, «Аҳоли пунктнинг бошланиши» йўл белгиси ўрнатилган бўлса, ушбу ҳудудда «Юқори тезлик чекланган» йўл белгисини ўрнатиш шарт эмас экан. Аммо бу муносабатдан асло қониқмадик. Қониқмаймиз ҳам. Чунки республиканинг аксарият ҳудудларидаги ҳолат бошқача: «Аҳоли пунктнинг бошланиши» йўл белгиси билан бир қаторда «Юқори тезлик чекланган» йўл белгиси ҳам ўрнатишган. Чунки аҳоли пунктларида фақат соатига 70 км. эмас, балки 60, 50, ҳатто 30 км. тезликда ҳаракатланиш керак бўлган ҳудудлар бор, ахир! Ҳўш, Фарғонада ҳам бошқа вилоятларда бўлгани каби юқори тезлик чегараси кўрсатилган белгилар ҳар бир радар остига ўрнатилса, бунинг нимаси ёмон? Ахир мақсад ҳайдовчиларни янада ҳушёр бўлишга ундаш эмасми? Хулоса ўрнида мутасаддидларга саволимизни яна бир бор эслатмоқчимиз: радарлар йўл ҳаракатини тартибга солиш ўрнига, «қопқон» вазифасини бажармоқдами?

Яқинда статистика агентлиги мамлакатимизда бултур 88 минг 913 нафар шахс томонидан турли жиноятлар содир этилганини очиқлади. Бу ўта ачинарли ҳол, албатта. Қуйидаги далиллар эса юрт келажакига бефарқ бўлмаган ҳар қандай кишини янада қаттиқроқ таъшишга солади: воғга етмаганлар орасида жиноятга қўл урганлар 2022 йилгига нисбатан 487 кишига ёки 15,6 фоизга, 2021 йилдагидан 1,4 баробарга кўпайган. Демак, қаердадир бўшлиқ бор. Балки бу эскича усулда иш тутаетганимиз, тадбирбозликдан нарига ўтолмаётганимиз, сабаблар бир четда қолиб, нукул оқибатлар билан курашаётганимиз ҳосиласидир.

Бир тасаввур қилиб кўринг: ўтган йилги 3 мингдан ортиқ бола (314 нафари қиз) жиноий жавобгарликка тортилган. Шундан 1 минг 602 нафари ўғриликда, 453 нафари безориликда, 135 нафари фирибгарликда айбланган. Уларнинг 744 нафари 13-15, 2 минг 855 нафари эса 16-17 ёшдагилардир. Тахлилларга қараганда, номусга тегиш ва қотиллик жиноятлари ҳам аввалги йиллардагига нисбатан анча ортган.

14 ёш нари-берисидаги Холмурод (мақоладаги исм-шарифлар ўзгартирилган) қаровсиз қолдирилган машина ойнасини синдириб, ўғрилиқ қилган. Аниқланишича, отаси ташлаб кетгач, бу ўспирин бемор онаси билан ёлғиз қолган. Унга дори харид қилиш учун машинадан пул олган ва қилмишига яраша жазога тортилган. Кўп ўтмай, воғга етмагани ва оилавий шароити инобатга оли-

ПАРАДОКС

Жиноятчиликка қарши кураш кескин равишда кучаяётган бир пайтда жиноятлар сони тобора ортмоқда

ниб, қамокдан озод қилинган. Аммо бир қўшниси ҳар икки гапининг бирида «ўғри-ўғри» деб, унинг юзига солаверган. Ҳақоратлар жонидан ўтиб кетгач, қасд олиш мақсадида ўша кишининг уйидаги нарсаларни ўмарган. Оқибагта яна қамокка тушган.

– Мен аслида биринчи марта қамалганимдаёқ ўзим учун тегшли сабоқ чиқариб олгандим, – дея ўша кунларни эслайди Холмурод. – Бироқ қўшнимнинг худда-бехудда таъна-маломатларига чидай олмай, қизикқонлик қилдим. Бу менга янада қимматга тушди. Ҳозир онамга жуда-жуда ачинапман. Унга муносиб ўғил бўлполмаганимдан афсусланяпман. Ҳар сафар мени кўришга келганида ич-ичимдан зил кетиб, ўзимни қўярга жой тополмай қоламан. Мушфиқ онам кулиб турса-да, қалби изтиробда, азаб-укубатда, кўзларида улкан дард мужассам. Буларнинг барига эса мен сабабчиман...

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган пурмаёно мақолимиз бор. Лекин эндиликда у ўз қийматини йўқотганга ўхшайди. Чунки орамизда ён қўшини тугул, битта

подъездда яшаб бир-бирини танимайдиганлар ҳам бор. Устига-устак, ҳозир бировнинг боласини тўғри йўлга бошлаш ниятида дакки берсангиз, балога қола-сиз. Ота-онаси «Ўз фарзандингга ҳўжайинлик қил, меникини тинч қўй!», деб осмондан келади. Шу билан бир қаторда, ҳамсоясининг қилдай айбини филдай қилиб кўрсатадиган, унга кун бермайди-

ган қўшинлар ҳам истаганча топилади. Ўзаро гап талашиш ва ҳақоратлар ортдан юзага келган жанжалда тенгдошини уриб ўлдириб қўйган М. ҳам жазо муддатини ўтамоқда. Бу йигитнинг ҳасратига унча-мунча одам дош беролмайди. Чунки ўзганининг умид билан катта қилаётган боласи умрига зомин бўлиш унинг ту-



шига ҳам қирмаганди.

Қ.нинг ҳаёти аввалбошданок хавас қилгудек эмас. Ота-онаси автоҳалокат туфайли оламдан ўтгач, у тоғаси қарамоқда қолганди. Янғасининг турткилайве-ришидан зада бўлиб, уйдан қочиб кетади ва ўғрилиқ қилаётганида кўлга тушади...

Маълумотларга кўра, ёшлар

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган пурмаёно мақолимиз бор. Лекин эндиликда у ўз қийматини йўқотганга ўхшайди. Чунки орамизда ён қўшини тугул, битта подъездда яшаб бир-бирини танимайдиганлар ҳам бор. Устига-устак, ҳозир бировнинг боласини тўғри йўлга бошлаш ниятида дакки берсангиз, балога қола-сиз. Ота-онаси «Ўз фарзандингга ҳўжайинлик қил, меникини тинч қўй!», деб осмондан келади. Шу билан бир қаторда, ҳамсоясининг қилдай айбини филдай қилиб кўрсатадиган, унга кун бермайдиган қўшинлар ҳам истаганча топилади.

Муносабат


анъанавий гиёҳвандлик моддаларидан воз кечиб, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддалар, масалан, трамадол ва янги пайдо бўлган тропикамид дориларини истёсмол қилишга ружу қўйишмоқда.

Яна бир оғриқли ҳолат – мактаб ўқувчилари орасида сигарет ва нос чекадиганлар кўпайиб кетган. Ҳисоб-китоблар бўйича республикада 13-15 ёшли болаларнинг 1,7 фоизи тамаки чекади. Бетайин ва тарбиясиз ўқувчиларнинг ўқитувчиға муносабати эса ижтимоий тармоқлар «безаги»га айланиб улгурди. Улар орасида устозига қўл кўтараётганлари ҳам бор.

«Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир». Бундан қарийб бир аср олдин та-ниқли маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний томонидан айтилган бу сўзлар ҳозирги кунда ҳам ўз моҳиятини йўқотгани йўқ. Зо-тан, ҳар қандай иллатнинг ил-дизи тарбиясизликка бориб тақа-лади.

Табиийки, жиноятчилик бўйича кўп ва ҳўп ёзилмоқда ва гапирилмоқда. Юртимизда ўсмирлар ва ёшларни тўғри йўлга бошлаш, уларни уюштириш, бирор касб-ху-нарға йўналтириш, жиноятчилик-нинг олдини олиш учун юзлаб ташкилотлар фаолият юритмоқда. Бироқ натижа қутилгандек эмас. Чунки, юқорида айтганимиздек, биз сабаблар билан эмас, оқибатлар билан курашяпмиз, холос. Бундай вазиятда эса асл мақсадга эришиш даргумон.

Амир АҲМЕДОВ



ИШСИЗЛИК НАФАҚАСИ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

САВОЛ: Қонун бўйича кимлар ишсиз деб айтилади. Ишсизлик нафақаси қачон, қанча миқдорда ва қанча вақт мобайнида тўлаб берилади?

Лайло БЕРДИЕВА

Самарқанд шахри

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 20 октябрда қабул қилинган «Аҳоли бандлиги тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, ўн олти ёшдан то пенсия таъминоти ҳуқуқини олиш ёшигача бўлган, ҳақ тўланадиган иш ёки иш ҳақи (меҳнат даромади) келтирадиган машғул-лотга эга бўлмаган, иш қидираётган ва иш тақлиф этилса, унга киришишга ёҳуд касбга тайёрлашдан, қайта тайёрлашдан ўтишга ёки малакасини оширишга тайёр бўлган, ишга жойлашишда қўмақ олиш учун маҳаллий меҳнат органларига мурожаат қилган ва ушбу органлар томонидан иш қидираётган шахслар сифатида рўйхатга олинган меҳнатга лаёқатли шахслар (бундан таълим муассасаларида таълим олаётганлар мустасно) ишсизлар, деб қайд этилади.

Бундай шахслар ишсизлик нафақаси олиш ҳуқуқига эга. Нафақа ишсиз деб тан олинган шахсга у маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган биринчи кундан эътиборан ҳисобланади ва ўн икки ойлик давр ичида – қўпи билан йигирма олти календарь hafta давомида тўланади.

Ишсизлик нафақалари қуйидаги миқдорларда тўланади:

– ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) сўнғги ўн икки ойлик давр ичида маҳрум бўлган шахсларга – аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизи миқдорида, лекин меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдоридан оз бўлмаган ва нафакани ҳисоблаш пайтида Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда;

– ишдан ва иш ҳақи (меҳнат даромади)дан маҳрум бўлган ҳақда узоқ (бир ишдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга – меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бир баравари миқдорида;

– илари ишламаган ва биринчи марта иш қидираётган шахсларга – меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг камиди етмиш беш фоизи миқдорида.

Ишсизлик нафақасига солиқ солинмайди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

